Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 190 (4835).
24 АВГУСТ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ СЕНГА, ВАТАН!

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

МУСОБАҚА ҚИЗҒИН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг А. Арутюнова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бағишланган социалистик мусобақани қизғин давом эттирмоқда. Бригада комсомоллари буюк мамлакатимизнинг шонли юбилейини йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажариш билан кутиб олишга бел боғлаганлар. Бу бригада асосан пиджаклар тикиш билан шуғулланади. Бир кунда бригада бўйича 300 ўрнига 320—330 тадан хушбичим пиджаклар тайёрланмоқда.

Бригада бошлиғининг ўзи мазкур корхонада 25 йилдан бери меҳнат қилиб келади. У моҳир тикувчи бўлиш билан бир қаторда ёшларнинг меҳнат рибон мураббийси ҳамдир. У цех бўйича ВАЗликларнинг методини кенг жорий қилишда катта роль ўйнади. Бригада ишчилари меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Бригада аъзолари ўртасида маҳсулот сифати бўйича конкурс ва мусобақалар ҳар уч ойда ўтказилиб турилади.

Шу кунларда эса «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатининг қоғиблари тобора кўпайиб бормоқда.

БУГУН

ана шу комсомол-ёшлар бригадасининг Г. Аҳмедова, Г. Низомова, М. Ҳақназарова, ва Н. Бодягина сингари аъзолари сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот тошира бошладилар. Бундай пешқадам ишчиларнинг сони эса айни пайтда корхона бўйича 200 дан ортиқдир.

ДЎСТЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

Иваново ва Тошкент тўқимачиларини азалий дўстлик алоқалари боғлаб келмоқда. Бу дўстликка Ўзбекистон пойтахтида тўқимачилик гиганти бунёд этилда бошланган дастлабки кунларда асос солинган эди. Ивановолик мутахассислар ишлаб чиқариш технологияси жараёнларини йўлга қўйишда, маҳсулот тайёрлашни тезлаштиришда яқиндан ёрдам бердилар. Бўлажак тўқувчилар ва йигирувчилар Ивановодаги турдош корхоналарда малака оширдилар.

Шундай қилиб, икки коллектив — Иваново мовут ва Тошкент тўқимачилик комбинатлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада бу дўстлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди. Тошкент тўқимачилик комбинатига Иваново области заводларидан ускуналар келиб турибди. Ивановодаги тўқимачилик саноати илмий-тадқиқот институтлари билан имзоланган хўжалик шартномалари бўйича мунтазам алоқа қилиб турилибди.

Жумладан, Ивановодаги институтнинг тавсияси ва тадқиқотлари бўйича Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида хом ашёни қайта ишлаш жараёнининг қисқартирилган технологияси жорий этилмоқда. Нитрон чиқитларидан бошқа технологик жараёнларда фойдаланиш эса озиқ-овқат крахмалининг сарфини икки баравар, ип узилишини 30—40 процентга камайтириш имконини берди.

СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун авж олаётган социалистик мусобақа туфайли ишлаб чиқариш коллективларида янгидан-янги ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келмоқда, ишчилар бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга интилмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи ҳам ана шу шонли санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Корхонанинг бир қатор ишчилари ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятларни қабул қилиб, вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти.

Корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, мирпқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

* * *

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) чапдан-ўнгга — йигирувчи Ш. Тошматова, СССР Олий Совети депутати Д. Қулматова, ивановолик тўқувчи В. Сараева, ВЛКСМ XIX съезди делегати К. Еқуббоева ўзаро суҳбатлашмоқдалар; газламаларга гул солувчи рассом Галина Зайцева; Ю. Гагарин номли тўқимачилар маданият саройининг ўзбек халқ фольклор рақс ансамбли:

В. Казанцев фотолари (ЎзТАГ).

Меҳнат семестри — 82

Салмоқли якун билан

Пойтахтимиз олий ўқув юртларининг шижоатли ёшлари ёзги каникулни ҳар томонлама мазмунли ва баракали ниҳоясига етказмоқдалар. Улар айниқса, меҳнат семестрида қатнашиб халқ хўжалигимизнинг оғирини енгил қилиб бермоқдалар. Кўпчилик отрядлар зиммаларига олган топшириқларни муддатдан илгари салмоқли адо этишга эришяптилар.

Барча отрядларнинг фаолияти корхоналарда, қурилиш майдонларида «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижодкорлиги ўн биринчи беш йилликкa!» шиори остида ўтказилмоқда.

Тошкент Давлат медицина институтининг 2-даволаш факультети зиммасига олган топшириқларни ado этганлиги ҳақида ғалаба рапортини берди. Бундан ташқари, «Санфаковчи», «Гигиенист» отрядлари ҳам ана шундай муваффақиятга эришдилар.

1-уйсозлик комбинатининг 21-қурилиш бошқармаси бунёдкорлик ишларини олиб борилаётган объектларда салмоқли юмуш адо этилди. Студентлар 40 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Бундай арзигули муваффақиятга эришиш йўлида социалистик мусобақанинг аҳамияти бебаҳо бўлди. Янгибой Файзиев бошчилик қилган бригаданинг Х. Аразов, И. Рўзиев, З. Саноқулова, Н. Зулфитдинова каби аъзолари ҳаммага намуна кўрсатдилар.

Меҳнат семестрининг бунёдкорлари ўзларининг эришган энг муносиб совғаларини улуғ Ватанимизнинг 60 йиллик муборак тўйига армуғон этмоқдалар.

тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков 23 август куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Динь Ньо Лиемни қабул қилди ва у билан суҳбатлашди. Суҳбат самимий дўстона вазиятда ўтди.

⊙ «Фермаларга — мўл-кўл озуқа» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

⊙ «Ўзбекистон» нашриёти «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида» тўпламининг қайта ишланган ва тўлдирилган янги нашрини чоп этди. Бу китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиаллари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтлари босмага тайёрлаган.

Миллий сиёсат тўғрисидаги Ленинча таълимотнинг характерини, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда партия қурилишининг хусусиятларини кўрсатиб берадиган ва В. И. Ленининг ташаббуси билан Туркистон, Бухоро ҳамда Хоразм меҳнаткашларига кўрсатилган ҳарбий, молиявий ва бошқа хилдаги катта ёрдамни тасвирловчи ҳужжатлар тўпламга киритилган.

ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

ЯНГИ МАКТАБ

БУГУН

пойтахтимизнинг Ленин районидаги Куйбишев шоссесида янги замонавий ўрта мактаб ўзининг жамолини намоён эта бошлади. Шундай қилиб, янги ўқув йили олдидан болаларга қувонч бахш этадиган чиройли мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

СССР космонавт учувчиси Герман Титов номли бу 213-мактаб биноси янги ўқув йили олдидан ажойиб совғадир. Бунёдкорлар педагогларга ва ёш авлодга ана шундай ҳиммат кўрсатдилар. 1568 ўринли мактаб биносини 6-қурилиш трестининг 32-қурилиш бошқармаси азаматлари бунёд этишди. Капитал қурилиш ишларига ва бинони замонавий ускуналар билан жиҳозлашга 1 миллион 332 минг сўм пул сарфланди. Хуллас, мактабда таълим-тарбия ишларини намунали олиб бориш учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган.

Янги ўқув йили учун 1-синфларга 1800 ўғил ва қиз қабул қилинди. Шундай қилиб, районнинг 14 мактабидаги ўқувчиларнинг умумий сони 17 минг 612 ўқувчига етди.

Долзарб мавзу

Огоҳ бўлинг! Муюлишда болалар...

Яқинда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Катта йўлдан шамолдек қуриб келаётган автомобиль ўнг томондаги кўчага шитоб билан бурилди. Равон йўлдаги тезликдан ҳайдовчида пайдо бўлган ички инерция кучини кўрсатди. У газ педалини яна қаттиқроқ босди. Шу пайт чамаси эллик метр нарида, йўл ўртасида ўйнаб ўтирган уч-тўрт ёшлардаги икки гўдакка кўзи тушди.

Болаларнинг ёнидан ўтиб кетсамикин? Иўқ, йўл торлик қилади... У сигнал бермасиданоқ болалар яқинлашиб келаётган машинани кўришдию, шошиб қолишди. Бири сакраб четга чиқишга улгурди. Иккинчиси йиқилиб тушди. Ҳайдовчи тормоз педалини босди. Бироқ тормоз яхши ушламади. Машина ўз инерцияси билан олдинга интилмоқда эди. Ҳайдовчи кўзлари косасидан чиққудек қўрқув билан педални иккинчи марта босди. Наҳотки... Бахтни қарангки, қаердандир пайдо бўлган бир йўловчи жон-жаҳди билан олдинга ташланиб, болани четга тортиб олишга улгурди. Машина бола йиқилган жойдан чамаси бир метр ўтиб тўхтади...

Болалар йўл ўртасида ўйнашининг боиси шундаки бу кўчада йўлкалар тўсиб қўйилган, спорт майдончаси йўқ.

Энди боланинг ўйинқароқлиги-ю, ота-онасининг бепарволиги, ҳайдовчининг тормозни созлаб қўймагани ҳақида фикр юритишдан аввал яна бир ҳодисани кўз олдингизга келтирамиз. Бундай ҳодисага кўпчилик дуч келган.

... Турар жой квартали оралиғидаги кўчадан соатига 60—70 километр тезликда «Жигули» ғизиллаб келмоқда эди. Шу пайт беш қаватли уй ёнидаги майдончадан тепилган футбол тўпи кўчанинг иккинчи томонига учиб ўтди. Унинг кетидан бир тўда бола қийқириб кўчага чопиб чиқди. Ҳайдовчи босиб-босиб сигнал берди. Болалар дуч келган томонга қочишди. Бироқ энг кичиклари довдираб кўча ўртасида туриб қолди. «Жигули» чийиллаб (унинг тормози яхши ишлар экан) унинг ёнгинасида тўхтади.

Тормозининг ишончлилигидан завқланиб кетган ҳайдовчи ўрнидидан қўзғалмади. У пастга тушиб болани четга чиқариб қўйиши мумкин эди. Лекин у зиқ ойнасидан бошини чиқариб «гуноҳкор» болага пўписа қила бошлада. Бир йўловчи аёл югуриб келиб, уни бағрига босиб четга олди. Ҳайдовчи аёлни боланинг онаси гумон қилиб, икки оғиз кордон гап айтгач, машинасини «бир сакратиб» ҳайдаб кетди.

Тез-тез бўлиб турадиган бундай ҳодисаларда ким қўпроқ айбдор? Ўйинқароқ болаларми? Уларнинг ота-оналарими ёки ҳовлиқма ҳайдовчиларми? Махсус ўйин майдончаси йўл ёқасида бўлгач, думалоқ тўп пастак тўсиқдан кўчага отилиб чиқиб кетиши табиий. Демак, болаларда айб кўп эмас. Айб уларнинг ота-оналарида демак, ҳодиса рўй берган пайтда улар ишга кетган бўлишлари мумкин. Уйда бўлишган тақдирда ҳам нима қила олишарди. Болаларни уйга қамаб ўтиришмайдику, ахир.

Ҳайдовчига келсак, у ишхонасига шошилаётган бўлса ажаб эмас.

Очиғини айтганда буларнинг ҳаммаси ноўрин баҳоналардир. Ўйин майдончаси катта кўча ёқасида бўлишига уни лойиҳалаштирган архитектор айбдор. Ота билан она эса транспорт қатнов йўлига югуриб чиқишнинг хавфли эканлигини болаларига яхши тушунтиришмаган. Ҳайдовчи автомобиль тезлиги чекланган кўчада машинани шитоб билан ҳайдаб йўл қондасини қўпол равишда бузган. Буларнинг ҳаммаси бахтсиз ҳодисага олиб келувчи сабаблардир. Шу боисдан жамоатчилик, ота-оналар, ҳайдовчилар, ГАИ ходимлари, ҳатто юқорида айтилганидек лойиҳачи архитекторлар ҳам кўча тасодифларининг олдини олишда баббаравар масъулиятни ҳис этишлари керак.

— Шу кунларда Фарҳод бозори ёнида, «В—23» квартали территориясида болалар майдончаси қурилянти, — деб ёзади Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. Злобин. — Унинг бир томони катта кўча билан чегарадош. Майдончани кесиб ўтувчи йўловчилар оқими бир нафас ҳам тинмайди. Бу майдонча қанақасига болалар ўйнайдиган жой бўлишига ақлим бовар қилмайди. Бу ерда ҳам болалар майдончаси учун жой нотўғри танланганми ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Ҳозир мактаб ўқувчиларининг каникули ниҳоясига етган, кичкинтойлар мактаблар қучоғига қатнаётган кунларда ота-оналар фарзандларига йўл қоидаларини тез-тез эслатиб туришлари фойдалидир. Ҳайдовчилар тезлик нормаларига қатъий риоя этишлари, муюлишлардан ўтаётганда сергак бўлишлари лозим. ГАИ ходимлари йўл ҳаракати қоидаларини бузувчи ҳайдовчиларга муросасиз бўлишлари, шунингдек, пиёдаларга нисбатан талабчанликни ғоят оширишлари керак!

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим микрорайон ва маҳаллаларда баъзи хонадонлар уйлари атрофидаги йўлкаларни тўсиб қўйишган. Бунга Собир Раҳимов районидаги Профессорлар массиви яққол мисол бўла олади. Бундай жойларда пиёдалар транспорт қатнови йўлидан жон ҳовучлаб юришга мажбур бўляпти.

Шаҳар районларининг ободонлаштириш бошқармалари, маҳалла комитетлари болалар ўйнайдиган майдончаларни тартибга келтиришга бош-қош бўлишлари, йўлкаларни тўсиб қўйган кишиларни тартибга чақириб қўйишлари керак! Шундай қилайликки, фарзандларимиз жонажон мактабларига, боғчаларига бехавотир йўлдан бориб келишсин. Бўш вақтларида эса транспорт қатновидан ҳолироқ жойда ўйнаб-кулишсин!

Ишчилар синфи, ёш кадрларни қабул қилиб ол!

Ҳунар-техника билим юртларини битириб, «Таштекстильмаш» заводида ўзининг ишчи биографиясини бошлаган ёш ишчилардан бутун бир цех ташкил қилиш мумкин. Ўнлаб ёш токарлар, пармаловчилар, фрезерчилар, бошқа касбдаги ишчилар корхона коллективига келиб қўшилди. 87-ҳунар-техника билим юртининг ўзигина тўқимачилик машиналар эса аслида тўлатўкис ҳунар-техника билим юртларини битириб чиққан ёш мутахассислардан иборат.

Биринчи сентябрь куни мактаб ўқувчиларининг янги катта отряди республикадаги 540 та ҳунар-техника билим юртига келади. Улар хилма-хил касбларни — 300 дан кўпроқ турли ихтисосларни танлашлари мумкин.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 22 август. (ТАСС). Космонавтлар Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Леонид Попов, Александр Серебров ва Светлана Савицкаялар «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-7» орбитал комплекси ичида планлаштирилган тадқиқот ва эксперименталарни бажаришни давом эттирмоқдалар.

Кеча ташриф экспедициясининг космонавтлари контрол медицина текширувидан ўтказилди. Комплекс яқинидаги атмосфера хоссаларини аниқлаш ҳамда станция ҳоналаридаги микро-атмосфера параметрларини ўлчаш мақсадида техник эксперименталар ҳам ўтказилди.

Якшанбада орбитадаги иш куни эрталаб соат 9 да бошланиб ярим тунгача давом этди. Станция ичидаги системалар назорат қилинганидан кейин экипаж белгиланган ишларга киришди.

Кунинг биринчи ярмида Светлана Савицкаянинг вазифаси ҳолатига қўникиш даврида вестибуляр аппаратни ва бош миясини сезгирлигини текшириб кўрилди, шунингдек велоэргометрдаги жисмоний машқларни бажариш вақтида юрагининг биоэлектрик активлиги тадқиқ этилди.

Тушликдан кейин Леонид Попов билан Александр Серебровда «Эхограф» эксперименти ўтказилди, шу эксперимент чоғида юрак функциясини характерловчи кўрсаткичлар аниқланади.

Белгиланган учиш программасига мувофиқ Попов, Серебров ва Савицкая ўртоқлар Ерга «Союз Т-5» кемасида қайтиб тушадилар. Шу кемани қайтаришга тайёрлаш учун космонавтлар «Союз Т-7» кемасидаги ўриндиқларнинг индивидуал ложементларини ечиб олиб, уларни «Союз Т-5» кемасининг туширилувчи аппаратига ўрнатдилар.

Орбитадан берилган ахборотга ва телеметрик ахборот маълумотларга қараганда, «Салют-7» — «Союз Т-5» — «Союз Т-7» илмий тадқиқот комплексининг учиши планлаштирилган программага тўла мувофиқ равишда ўтмоқда.

Светлана Савицкая, Анатолий Березовой, Валентин Лебедев, Леонид Попов ва Александр Серебровларнинг кайфияти яхши.

БУЮК ҚАРДОШЛИК ҲАҚИДА КИНОПОВЕСТ

«Менинг азиз москвликларим» лентаси Ўзбекистон кинематографчиларининг совет халқларининг уруш йилларида тобланган буюк дўстлигига бағишланган бадиий фильмлар туркумини давом эттирди. Режиссёр Ҳожи Ахмар бу лентани ўз сценарийси асосида «Ўзбекфильм» студиясида яратди. Бу киноповест томошабинларни шиддатли қирқинчи йиллардаги воқеалар билан таништиради. Уша пайтда уруш натижасида етим қолган минг-минглаб болалар республикамизда бошпана ва нон, самимий ғамхўрлик ва она меҳрини топди.

(ЎзТАГ).

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ҲИСОБИГА

Бусиз ҳам «бойлар ҳукумати» деб ном чиқарган Рейган маъмурияти Америка меҳнаткашларининг ҳаётий манфаатларига яна бир зарба берди. Президент телевидение орқали нутқ сўзлаб, ҳукумат яқин уч йил ичида АҚШда солиқ тўлашни 98,3 миллиард доллар ошириш ниятида эканлигини эълон қилди. Рейган маъмурияти беш йил ичида солиқ тўловчилар учун 2,25 триллион долларга тушадиган жуда катта ҳарбий харажатларни қурбон қилишни истамай, бюджет камомадининг ўсишини солиқларни кўпайтириш йўли билан тўхтатиб қолишга уринмоқда.

Вашингтоннинг қарорини мамлакатдаги «вайронгарчилик иқтисодий танглиги» билан боғламоқдалар. «Вашингтон пост» газетасининг таҳлилчиси ёзганидек, бу танглик америкаликларга 30-йиллардаги «буюк таназзул» замонларини эслатмоқда. Автомобиль бинокорлик, пўлат қуйиш, машинасозлик, кон қазиб чиқариш саноати ва саноатининг бошқа тармоқлари танглиги бошдан кечирмоқда. Июль ойида мамлакатда саноат ишлаб чиқариши бир йил аввалдагига қараганда 10 процент пасайди. Корхоналарнинг ҳонавайрон бўлиши кескин ортди. 12 миллион америкалик ишсиз юрибди. 18 миллион киши эса ишдан бўшатилиш хавфи остида қолди. Меҳнаткашларнинг реал даромадлари камаймоқда. Чуқур иқтисодий тушкунлик мамлакатда қашшоқлар армияси сафини кенгайтирмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина расмий «қашшоқлик чегараси»дан ҳам паст даражадa кун кечираётган американликлар 2,2 миллион нафар кўпайиб, 31,8 миллион кишига етди.

Ҳукумат бюджет камомадини қисқартириш йўли билан монополиялар учун яна миллиард-миллиард долларни «тежаб бериш»га интилмоқда. Гўё бу пуллар экономикани жонлантиришга сарфланар эмиш. Шунинг учун ҳам Америка монополиялари Рейганнинг қарорини қарсак чалиб кутиб олмоқдалар.

Оддий америкаликларнинг қадди эса оғир солиқ юкидан яна букиладиган бўлди. Президент Рейган давлат харажатлари — айниқса социал эҳтиёжлар ҳисобига яна кўп миллиард доллар қисқартирилишини ҳам эълон қилди.

АҚШдаги иқтисодий танглик ишлаб чиқариш харажатлари ғоят ортиб, харид нархларининг пасайиши оқибатида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ўсгани ҳолда фермерлар даромадининг кескин равишда қисқаришига сабаб бўлди. Уларнинг даромади 1980—1981 йилларда 39 процент камайди. Аммо бу агромонополиялар олаётган фойдага ҳеч қандай таъсир кўрсатаётгани йўқ.

АҚШдек бой мамлакатда миллионлаб қашшоқлар сурункали равишда тўйиб озқат емаётганлиги ва ҳатто очнаҳор яшаётганлигига ақл бовар қилиши қийин. Аммо бу проблема ҳақиқатдан ҳам кескин тус олмоқда. Айни вақтда эса озиқ-овқат нархи тез кўтарилмоқда. Утган йилнинг ўзидагина қашшоқларга айрим турдаги озиқ-овқатларни бироз арзонга харид қилиш имконини берадиган талонлар олиш рўйхатидан 400 минг оила чиқариб ташланди. Камбағалларга бошқа турдаги ёрдамлар ҳам кескин камайтирилмоқда. Масалан, инфляция ва қашшоқликнинг авж олиши 1981 йилда АҚШда гўшт истеъмол қилишнинг 17 процент камайишига сабаб бўлди. «Тенг имкониятлар жамиятининг» паст қатламига тушиб қолган миллионлаб американликларни яна да оғир маҳрумлик ва қийинчиликлар кутмоқда.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

• *Мажбуриятларнинг бажаришини текширамиз*

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

Октябрь ва Чилонзор районлари мусобақаси

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, ўзаро мусобақадош Октябрь ва Чилонзор районлари меҳнат коллективлари шу йилнинг январь-июль ойлари учун планлаштирилган ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли адо этдилар.

Жумладан, Октябрь райони саноати маҳсулоти реализация қилиш бўйича топширинни 102,6 процент бажарди ва планга қўшимча 3.516 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди; Чилонзор райони индустрияси эса бу борада топширинни 102,9 процент адо этиб, қўшимча 1.519 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалиш суръати районларда 5,8 ва 6,5 процент ўсди. Меҳнат унумдорлигини юксалтириш плани ҳам ортиги билан адо этилди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилга нисбатан районларда 5,0 ва 3,9 процентга, ишлаб чиқариш ҳажми эса 7.820 минг ва 3.344 минг сўмликка юксалди. Бунда Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 86,2 процентига, Чилонзор районида эса 61,5 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ҳозир Октябрь районида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 16,8 процент маҳсулот, Чилонзор районида 8,6 процент маҳсулот Сифат белгиси билан тайёрланаяпти.

Чилонзор районида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш бўйича етти ойлик план 4,5 процентга ортиғи билан адо этилди .Октябрь районида эса пландагидан 3,4 процент кам маҳсулот берилди.

Районларда бир талай корхоналар: «Ташкентшиво» бирлашмаси —19,4 процентга, «Средазэнергоцветмет» —13.4 процентга, кўн-мўйна заводи —14,7 процентга (Октябрь райони), «Промсвязь» заводи —12,0 процентга, электр рўзғор буюмлари заводи —16,3 процентга, пойафзал фабрикаси — 9,5 процентга, «Промгражданстрой» саноат корхоналари бошқармаси —19,6 процентга (Чилонзор райони)ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини таъминладилар.

Июль ойида Октябрь районида иккн цех, тўрт участка, ўн олти бригада; Чилонзор районида уч цех, иккн участка, олти бригада коллективлари ойлик планни уддалай олмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молия манбалари) январь-июль ойлари мобайнида районларда бажарилди: 98,0 ва 119 процент.

Республика бўйлаб

ЗАРДЎЗЛАР ҲУЗУРИДА

Бухоро зардўзлик фабрикасининг бир группа ишчилари СССР нинг юбилейи шарафига зиммасига олган мажбуриятини бажарди. Йўрмадўз Шамсия Ғаниева, Тановорчи Саид Ражабов, тахтакачловчи Ҳикмат Самадов уч йиллик шахсий топшириқларини бажардилар. Улар корхонада биринчи бўлиб шундай муваффақиятга эришдилар.

— Ҳар биримиз йил охиригача яна биттадан йиллик норма бажаришга қарор қилдик, —деди Шамсия Ғаниева.

Зардўзлар мусобақасининг пешқадамлари орасида кўплаб ёш чеварларни етиштирган тажрибали мураббия Саида Галиева бор. У смена нормасини икки баравар ошириб бажармоқда ва тез орада йиллик программа бажарилганлиги тўғрисида рапорт беради. Яқинда шогирди ҳозир уста Розиқ Ўринов ҳам у билан бирга рапорт беради.

ТАЛАБГА ЯРАША

Қўқон пайпоқ комбинатининг коллективи юбилей йилининг социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Республиканинг савдо тармоқларига планга қўшимча равишда 326 минг жуфт харидоргир моллар юборилди. Буларнинг ҳар беш жуфтидан бирига сифат белгиси қўйилган.

Қўқон трикотажчиларидан 200 нафардан кўп киши ишлаб чиқариш программасидан ўзиб ишламоқда. Янги машиналарини бошқалардан барвақт ўзлаштирган юз меҳнаткаш беш йиллик ишчи йили ҳисобига маҳсулот бермоқда.

ЧИҚИТДАН... МОЗАИКА

Фарғона политехника институтининг олимлари идишлар синиғидан гўзал бир панно яратдилар. Риштон бадиий буюмлар заводидаги сопол синиқлари олий мактаб лабораториясига тушгунча чиқитга кетарди. Лабораторияда сопол синиқлари цемент-қум қоришмаси билан маҳкам жипслашиши, совуққа чидамлилиги, сув ютмаслиги маълум бўлиб қолди. Риштон сополларининг ёрқин бўёқлари эса жуда яхши безак материал бўлади.

Олимларнинг тавсияларига кўра, бу чиқитлардан энди Фарғона уйсозлик комбинатида фойдаланилади.

ОЛИМЛАР ТАВСИЯСИ

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг олимлари чўчқачилик фермаларида, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида чорванинг турли касалликларида антибиотиклар қўллаш самарадорлигини пухта текшириш системасини жорий этдилар.

Касал ютқирувчи микробларнинг кўпгина штаммлари пировард натижада препаратларга мослашиб антибиотикларни сезмайдиган бўлиб қолади. Олий мактаб лабораториясида препаратлар ҳар уч ойда «текширишдан» ўтиб туради. Шунда ҳозирги касалликда қайси дори кўпроқ самара бериб, қайсиниси бефойда эканлиги, қайсиларини қўшиб ишлатиш зарурлиги аниқланади. Олимлар тадқиқот натижаларини область «Заготживпром» трестининг ветеринария хизматига топширадилар. Бу ишлар кўпгина хавфли касалликларни йўқотишга имкон берди.

(ЎзТАГ).

Полиз маҳсулотлари беғуборлиги — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари назоратида

ДЕҲҚОН ШАЪНИГА ДОҒ ТУШМАСИН

Совхозимиз Мирзачўлнинг жанубида, бундан 18—20 йил муқаддам қуш учса қанотидан, одам юрса оёғи куйган ерда жойлашган. Коммунистик партиянинг заковати, кўп миллатли совет халқларининг фидокорона меҳнати туфайли қақраган чўл яшнаган диёрга айланди. Бугунги кунда совхозимизга келсангиз бу ер яқин йилларда ҳам кимсасиз биёбон бўлганлигига ишонмайсиз. Совхознинг сердарахт, обод посёлкасида кишилар яхши яшаши ва меҳнат қилиши учун барча шароитлар муҳайё.

Хўжалигимизда тўрт ярим минг гектар майдонда деҳқончилик қилинаяпти. Пахтачилик етакчи соҳа саналади. Айни пайтда чорвачилик, полизчилик, сабзавотчиликка ҳам катта эътибор берилаяпти. Бизда бу соҳалар ҳам рентабелли ҳисобланади. Маҳсулот ҳажми йилдан-йилга ўсиб, олинадиган соф фойда кўпайиб бораяпти.

Албатта, ишчи кучи анча танқис бўлган бизнинг шароитимизда маҳсулот етказиш бўйича мажбуриятларни бажариш осон иш эмас. Аммо, қийналиб қолган пайтларимизда суянадиган суянчиқларимиз бор. Булар шаҳарлик биродарларимиз— ишчилар синфи, зиёлилардир. Чўл шароитида деҳқончиликни тиримай юксалтириб боришда «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг аҳамияти беқиёс бўлаяпти. Тошкент шаҳри корхоналарида ишлаб чиқарилган қудратли машина-механизмлар деҳқонининг оғирини енгил қилмоқда. Экинларни бегона ўтлардан тозалашда, уларга сифатли ишлов беришда, чорва молларни ҳар хил касалликлардан сақлашда шаҳарлик олимлар ва мутахассислар бераётган йўл-йўриқлар қўл келяпти. Деҳқончилик ишларининг долзарб дамларида шаҳарлик дўстларимиз ҳамиша ёнимизда бўлади.

Халқимизда қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган мақол бор. Шаҳарлик дўстларимиз ёнимиздаги ҳақиқий норларимиз, мададкорларимиздир.

Шаҳарликларнинг бу ҳиммати, олижаноблигини унутмаймиз. Ҳаминща уларнинг ҳурматига ҳурмат билан жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Етиштирилаётган чорвачилик, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг асосий қисмини шаҳарликлар дастурхонига тортиқ қиляпмиз. Бу маҳсулотлар ҳамища сифатли, хилма-хил бўлиши, харидорларга янгилигида чиройли қилиб етказиб берилиши мунтазам эътиборимизда бўлади.

Шундай шароитда «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида асал қовун ўрнига «касал қовун» етказиб бериб, кишиларнинг табини ҳира қилаётган, деҳқон шаънига доғ тушириб, ҳамкасбларини ҳижолат қилаётган шахслар ҳақидаги гапсўзларни ўқиб, ўйланиб қоласан киши. Менимча деҳқон номига иснод келтирадиган бундай кишилар ҳамища эл-юртга маълум қилиниши, қилмишига яраша жазо олиши, уйинг шундай йўлга киришига йўл қўйган хатти-ҳаракатлари н и кузатмаган хўжалик раҳбарлари ҳам масъулиятга тортилиши зарур.

Деҳқончилик дунёдага энг қадимий касб. Бу касб эгаларига қадим-қадим замонлардан бери ҳамма элларда ва юртларда чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишган. Деҳқон поклик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик рамзи бўлиб келган. Ўйлайманки, бундан буён ҳам шундай бўлади.

Хўжалигимизга мирзақор деҳқон Холбек Бўронов раҳбарлик қиладн. У бошлиқ совхоз маъмурияти барча экиндар қатори полиз маҳсулотларининг ҳам сифатли бўлиши, қосилдорликнинг тимай ортиб бориши ҳақида қайғуриб, деҳқонларга зарур шароитларни яратиб бераяпти.

Менинг боладлигим Ховост районидаги Савот қишлоғида ўтган. Отам ҳам, боболарим ҳам полизчилик билан шуғулланиб келишган. Отам ҳар бири самовардек келадиган, бир-тасини пайкалдан битта замбилга солиб олиб чиқиладиган шириншакар қовун-тарвузлар етиштириб машҳур бўлган одам эди. Мен ёшлигимданоқ отамнинг йўлидан боришга аҳд қилдим. Мана ўн йилдирки, Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ерларида меҳнат қилиб, отамдан ва бошқа катта деҳқонлардан ўрганган тажрибаларим асосида полиз маҳсулотлари етиштиряпман. Ҳалол меҳнатим туфайли эл-юрт орасида яхши обрў-эътибор топдим. Турмушимдан хурсандман.

Кейинги йилларда полиз маҳсулотларининг сифатига республика партия ва ҳукумати алоҳида эътибор бераётганлиги бизни хурсанд қилмоқда. Полизчиларнинг район, область, республика сайил-мусобақалари ўтказилиши анъанага айланди. Бу мусобақаларда ғолиб чиққан деҳқонлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётганлиги ҳам яхши бўляпти. Ўтган йили полизчиларнинг область қовун сайил-мусобақасида мен етиштирган қовунларга биринчи ўрин берилди. Тошкентда ўтказилган республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги анъанавий «Ширинак» қовун сийилда биринчи даражали диплом билан тақдирландим. Бундан аввалги мусобақаларда ҳам мунтазам совринли ўринларни эгаллаганман.

Хўш, минерал ўғит ишлатмасдан шириншакар қовун-тарвузлар етиштириш мумкинми? Ҳа, мумкин. Ота-боболаримиз деҳқончилик қилган пайтларда минерал ўғит деган нарса бўлган эмас. Улар қаттиқ меҳнат қилиб, экинга оби-тобида ишлов бериб, ҳар бир палакни ўз фарзандларидай асраб-авайлаб, мўл-кўл ва сифатли ҳосил етиштиришган. Ҳозирги шароитда минерал ўғит ишлатмай полиз маҳсулотлари етиштиришда алмашлаб экишни яхши йўлга қўйиш, полиз экинларини бедапоялардан бўшаган майдонларга экиш муҳим аҳамиятга эга. Беда экилган майдонларда ерда табиий равишда азот тўпланган бўлади. У уруғнинг яхши униб чиқиши, палакнинг касалга чалинмай, бақувват, серҳосил бўлиб ўсиши учун қулай шароит яратади. Бундай майдонларда етиштирилган қовун-тарвузларда нормадагининг олтидан бир қисмича ҳам азот нитрати бўлмайди. Бундан ташқари полиз экинлари экилган майдонларда пахта яхши битади, ғўза қуртлари бўлмайди. Бунинг сабаби, полиз экинларининг пуштаси кенг олинади, икки тарафдаги палаклар туташгунга қадар пушталар тўрт-беш марта культиватор билан ишлатилади, ер офтобда яхши қизийди.

Ҳозирги пайтда қовун саҳилларида намойиш этилаётган хилма-хил қовун-тарвуз навларини халқ орасидан чиққан фидоий селекционерлар юз йиллар мобаинида яратганлар. Биз бу навларни кузқорачиғидан асрашимиз, келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришимиз зарур. Лекин ҳозир бозорларни айланганингда бу масала ҳамма полизчи деҳқонларни ҳам ўйлантиряпти, деб хулоса чиқариш қийин. Республикада йигирма хилга яқин қовун навлари, ўн хилга яқин тарвуз нави бўлишига қарамасдан, бозорда асосан уч-тўрт хил қовун, икки-уч хил тарвуз навигина сотилади. Буни яхши ҳодиса деб бўлмайди. Қовун-тарвузлар сифатли бўлиши билан бирга, хилма-хил бўлиши ҳам керак.

Бу йил бизнинг бригадамиз эллик беш гектар майдонга қовун-тарвуз экиди. Ҳар гектардан йигирма центнерни ёки 1100 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб беришга аҳд қилганмиз. Пайкалларимизда ўн саккиз хил қовун, тўрт хил тарвуз етиштирямиз. Ҳосил чўғи ёмон эмас. Тотли маҳсулотларимизнинг дастлабки тоннаси шаҳарликларга етказиб берилди. Биз ҳалол меҳнатимиз билан эл-юрт фаровонлигига, дастурхон тўкинлигига улуш қўшаётганлигимиз, «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг мустаҳкамланиш и г а хизмат қилаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз.

Ж. САМАДОВ,
Жиззах область, Дўстлик районидаги Ленин номли 11-совхоз полизчилик бригадаси бошлиғи, республика аъанавий «Ширинак» қовун сайили совриндори.

— Мусобақадош районларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашуви тобора авж олмоқда. Корхоналар ва ташкилотлардан мамлакатимиз юбилей шарафига қабул қилинган план ва мажбуриятлар н и н г муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида келаётган рапортлар тобора кўпаймоқда.

Октябрь районида «еттилар ташаббуси»га қўшилган СССР 60 йиллиги шарафига 3,5—4 йиллик планни бажаришга, 1981 —83 йилларда шахсий икки беш йилликни бажаришга аҳд қилган саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ишчиларидан 150 нафардан ортиғи меҳнат қилади. Ваъдасига вафодор бўлган бу кишиларнинг кўпчилиги ҳозир 1984 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Ҳозир районда 250 га яқин бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун, 5 мингдан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун меҳнат қилишяпти. Айнан шулар мусобақада намуна кўрсатиб, ўз ҳамкасбларини ортларидан эргаштиришяпти, уларга мусобақада янги марраларни эгаллашларида ёрдам беришяпти.

Бизда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника янгиликларини жорий этиш ҳисобига қолоқларсиз ишлаётган, оз куч ва маблағ сарфлаб юксак пировард натижаларга эришаётган коллективлар талайгина. Айнан шулар тўфайли «Ташкентпиво», «Средазэнергец в е т мет» бирлашмалари, мебель тажриба-техника заводи ва бошқа коллективлар мажбуриятларини муваффақиятли адо этишяпти.

Ҳозир бу корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришишяпти.

Қабул қилинган мажбуриятларни амалга ошира бориб, коллективлар меҳнатнинг сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор беришяпти. Ҳозир районда юз ҳилдан ортиқ буюм фахрли беш кирали белги билан ишлаб чиқарилляпти.

Шу билан бирга бир қатор корхоналар қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун яхши кураш олиб боришмаяпти. Жумладан, «Малика» трикотаж бирлашмаси, уйга иш берадиган бадиий буюмлар фабрикаси, чётка фабрикаси, металл-фурнитура заводи ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтиришда зарур суръатни таъминламадилар.

«Малика» трикотаж бирлашмаси, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари бирлашмаси, шунингдек театр жамияти комбинати, металл-фурнитура заводи, уйга иш берадиган фабрика йилнинг етти ой учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажармадилар.

«Матбуот» полиграфия бирлашмаси коллективининг социалистик мажбуриятларида шундай банд бор: буюмлар сифати яхшилансин, маҳсулот таннархи арзонлаштирилсин. Бироқ бу вазифани амалга ошириш учун участкаларда дуруст кураш олиб борилмаяпти. Бу ерда брак натижасида анча ортиқча харажатга йўл қўйиляпти, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган сарфлар ҳам кўп. Маҳсулот таннархи 300 минг сўмликка қимматлашиб кетди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ортиғи билан бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: «Социалистик мусобақанинг бутун ташкил этиш даражаси кўтарилсин, у хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича тадбирлар билан мустаҳкам алоқада ривожантирилсин. Мусобақанинг шонли анъаналари бойитилсин, ҳар бир меҳнат коллективида чинакам ижодий изланиш, меҳнатга онгли муносабат ва ўртоқларча ўзаро ҳамкорлик, топширилган иш учун юксак масъулият, нуқсонларга муросасизлик вазнати юзага келтирилсин». Мусобақадош коллективларда асосий диққат-эътибор мана шу масалаларга қаратилиши лозим.

Бугун йилнинг етти ойидаги социалистик мусобақа якунини Октябрь район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири Н. ОЛТИБОЕВ шарҳлайди:

«КПСС сафида 50 йил» нишондорлари

САДОҚАТ

У яшнаб турган анвойи гуллар оралаб борар экан, беҳад ҳаяжонланади. Ана у йўл бошида тўхтади-да, улуғ доҳий ҳайкалига олам-олам меҳр билан қараб қолди. Бундан эллик тўрт йил муқаддам Ленин партияси сафига қабул қилинганида Коммунистик партиямиз тояларига доимо содиқ бўлиб қолишга аҳд қилган эди. Аҳдга содиқ қолди.

— 1924 йилнинг ёвида Хивада чиқадиган «Инқилоб қуёши» газетаси босмахонасига ишчи бўлиб кирдим, — деб эслайди бу кекса коммунист. — Шу ерда комсомол сафига кирдим.

Ж. Маҳмудов ёшлигидан илм олишга интилди. У Хивадаги партия мактабида ўқиб, аъло баҳолар билан тамомлади, шу ерда 1928 йилда партия сафига ўтди. Кейин Шовот район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади. 1929—1932 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё коммунистлар университетида таълим олганида Ленинграда практикада бўлди.

Ж. Маҳмудов жамоат ишларида фаол қатнашди. Октябрь район партия комитети йўлланмаси билан у Тошкент шаҳрининг Себзор маҳалласида мактаб ташкил этиб, саводсиз хотин-қизлар ҳамда кишиларни ўқитишга киришди. Уч йил мобайнида 200 дан эшёд кишининг саводини чиқарди.

«Инқилоб қуёши» газетаси босмахонасида ишлаб юрган чоғларидаёқ журналистликка қизиққан, ўз мақолалари билан ваҳтли матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турган Жуманиёз Маҳмудов кейинчалик Риштон, Қарши, Чиноз районларида чиқадиган газеталарга, «Мухбирлар ўқудоши», «Муштум» журналларига муҳаррарлик қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида инструктор бўлиб ишлади.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, республика аҳамиятида молик шахсий пенсионер Ж. Маҳмудов ҳамон жамоат ишларида фаол қатнашиб келяпти. Бир неча йилдирки, у «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошидаги жамоатчилик асосида ишлайдиган қабулхонанинг аъзосидир.

... Жуманиёз ота Маҳмудов Октябрь район партия комитети биносига кириб келди. Бу ерга ўзига тенгқур отахонлар, онахонлар тўпланишган. Уларнинг чеҳраларида табассум.

Орадан кўп ўтмай, муҳташам залда тантанали мажлис бошланди. Район партия комитетининг биринчи секретари Омил Саидкаримович Расулов 50 йил ва ундан ҳам кўп ўроқ КПСС сафида бўлган Жуманиёз Маҳмудов, Сергей Ворфаломеевич Шелик, Андрей Иванович Гранаткин, Ҳожимурод Икромов, Йўлдош Қосимов, Александра Александровна Хорина каби ўн олти ветеранга «КПСС сафида 50 йил» нишонини топширди.

Жуманиёз ота ва унинг ўн беш тенгқури район партия комитети биносидан қайтишар экан, беҳад мамнун эдилар. Қўлларида гулдаста тутган бахтиёр қариялар кўчани тўлдириб боришарди..

У. ЮСУПОВ.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги тажриба-экспериментал цехида пахтачилик учун комплекс машиналар яратиш устида катта ишлар олиб борилади.

СУРАТДА: шу цех бошлиғи Эдуард Цой ва илғор йиғувчи-слесарь Фарҳод Собиров янги техника деталларини монтаж қилиш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

◆ «Сохта справкалар» мақоласини ўқиб, озиқ-овқат назорати станцияларида ишлаётган кишиларнинг лоқайдлигидан ғоят ранжидим. Уларнинг ана шу лоқайдлиги туфайли бозорларда сифатсиз полиз маҳсулотлари сотилаётган экан.

Нахотки улар кишилар саломатлигига путур етказаётганликларини билишмаса? Аксинча, жуда яхши билишади. Бироқ уларнинг иши устидан яхши назорат ўрнатилмаган. Натижада масъулиятни унутиб қўйишган. Аҳвол шу даражага етишига шаҳар санитария-ветеринария хизмати раҳбарлари айбдор деб ҳисоблайман.

М. ҲАКИМОВ, темирйўлчи.

◆ Қовун ва тарвуз ўлкамизнинг шифобахш неъматларидан ҳисобланади. Афсуски, кейинги йилларда қовун истеъмол этиб, баъзан касалликка чалиниб қоляпмиз. Бунинг сабаби ҳозир барчага аён: полиз экинларига минерал ўғитлар ҳаддан ташқари кўп солинмоқда. Деҳқонлар мўл ҳосил кетидан қувиб, маҳсулот сифатига эътибор бермай қўйишди.

Инсон саломатлигини хавф остида қолдираётган бундай деҳқонлар шаҳар бозорларига киритилмаслиги керак. «Сохта справкалар» мақоласида айтилганидек, уларга ҳомийлик қилаётган кишилар қаттиқ жазога лойиқдир.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ, ҳизматчи.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁДАН

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида иккиламчи хом ашё тайёрловчи комбинат иш бошлаганига икки йил бўлди. Комбинатнинг вазифаси — саноат ва уй-жой чиқиндиларини марказлаштирилган тартибда йиғиб олишни таъминлашдир. Комбинатнинг республикадаги турли округларига жойлашган корхоналарида ҳозир 9 мингга яқин киши ишлаб турибди. Улар саноат корхоналари ва аҳолининг иккиламчи хом ашёсини қабул қилишни таъминлайдилар. Комбинат составида латта-путта ва қоғоз тахтакачлайдиган, шишани хиллайдиган машиналар ишлаб чиқарувчи завод ҳам бор.

Чиқиндиларни саноат корхоналарида қайта ишлаб бериш — ГДРда хом ашё ва энергияни тежаш соҳасида амалга оширилаётган комплекс программанинг муҳим қисмидир. Шу йилнинг биринчи ярмидагина мамлакатда қарийб 219 минг тонна, яъни ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 10 процент кўп темир-терсак йиғилганлиги иккиламчи хом ашёдан кенг нўламда самарали фойдаланилаётганлиги н и тасдиқлайди. Шунча миқдордаги темир-терсак мамлакатдаги энг йирик металлургия корхонаси — Бранденбург пўлат эритиш заводини бир ой мобайнида иш билан таъминлаш учун кифоя қилади.

ПРАГА ТЕЛЕФОНИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

ПРАГА. Прага телефон шахобчаси ўзининг юз йиллик юбилейини нишонлади. Бундан 100 йил аввал телефонистка лар бирбиридан... бир километр наридаги сўзлашувчилар ўртасида алоқа боғлай олар эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ғаройиб аппаратларга эга бўлган дастлабки ўн бир киши телефонда кўп гаплашмай, бевосита мулоқотда бўлишни афзал кўрарди. Лекин бир йил ўтар-ўтмас абонентлар справочникида бир неча юз кишининг номи пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда Прага телефон шахобчаси барча қитъалар билан алоқани йўлга қўйган. Пойтахт телефон шахобчаси ҳар йили бир миллиард марта телефон орқали гаплашиш имконини беради. Уч минг малакали ходим муттасил ва тиниқ гаплашишни таъминлайди.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия ташқи савдо иттифоқининг масъул ходими Й. Йокинен ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида Совет —Финляндия илмий-техника ҳамкорлигининг қарийб ўттиз йиллик тажрибаси энг юксак орзуларни ҳам оқлади, деди.

Ҳозирги вақтда, деди у, экономиканинг икки мамлакат мутахассислари алоқа қилиб турмаган соҳасини топиш қийин. СССР билан Финляндия ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида 1955 йил августида имзоланган битим доирасида ишлаб турган 33 ишчи группасининг фаолияти Совет Иттифоқи ва Финляндия олимлари билан мутахассислари олдида турган конкрет, амалий вазифаларни ҳал этиш билан боғланган. Кемасозлик, машинасозлик, химия саноати, ўрмон целлюлоза-қоғоз саноатига доир ишчи группаларнинг ишлари айниқса самарали ўтмоқда.

Совет ва Финляндия мутахассислари, деди Й. Йокинен, янги технология, ишлаб чиқариш методлари, илмий-техника янгиликлари тўғрисида бир-бирларига доимо маълумот бериб турадилар. Икки мамлакат олимлари биргалашиб ишлаб чиққан Финляндиядаги янги АЭС техника лойиҳаси атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги қалин ҳамкорликка мисол бўла олади.

Совет — Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги жўшқин ривожланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтиришга самарали таъсир кўрсатмоқда, деб таъкидлади Й. Йокинен.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Дечин шаҳри районидаги Лаба дарёси соҳилида туристлар ва меҳмонлар дам олишни яхши кўришади. Суратда ўнгда кўхна Дечин қалъаси жойлашган баландлиги 50 метр бўлган қоя тасвирланган. 1790 йилда қалъа сўнгги марта қайта қурилган эди.

ЧТК—ТАСС фотоси.

СССР нинг ЁРДАМИ БИЛАН

ХАНОЙ. Вьетнам марказий қисмининг жанубидаги Дарлак вилоятида автомобилларни ремонт қилувчи катта станция ишга туширилди. Бу станцияга ўрнатилган замонавий машина-ускуналар ишдан чиқиб қолган автомобилларни тез ва сифатли ремонт қилиш имконини беради.

Дарлакдаги авторемонт станцияси ҳозирги вақтда Вьетнамда СССРнинг ёрдами билан қурилаётган кўп корхоналарнинг биридир.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



АБДУЛ-ҚОСИМ МАДРАСАСИ

Шаҳримизнинг йирик маданий-тарихий ёдгорликларидан Абдул-Қосим мадрасасидир. Бу мадраса тўғри тўрт бурчак шаклида бўлиб, унинг ташқи томонлари 55—46 метр, ички ҳовлиси эса 22—28 метрдир.

Абдул-Қосим мадрасаси XVI асрда қурилмаган бўлса-да, лекин мадраса қурилиш режаси XVI аср типидаги бинолардан жуда кам фарқ қилади. Турли даврларда бўлиб ўтган кучли зилзилалар натижасида мадраса бир неча бор қаттиқ шикастланган. Тарихий ҳужжатларга қараганда 1946 йилнинг 2 ноябридан 3 ноябрга ўтар кечасида бўлиб ўтган кучли «Чотқол» зилзиласи натижасида мадраса қаттиқ шикастланган, айниқса унинг пештоқи, мезаналари ва иккинчи қават ҳужралари қаттиқ шикастланиб, вайронага айланган. Мадрасанинг жануб томонидаги ҳаммом эса бутунлай бузилиб кетган.

Меъморлар мадрасани узоқдан кўзга яхши кўриниши учун икки каватли қилиб, бинони безашда асосий эътиборни бош фасадга қаратишган. Мадраса бош фасади шарққа қаратиб икки каватли қилиб, пишиқ тўрт бурчак шаклидаги гиштдан қурилган. Бош фасадни безаш мақсадида икки қават баландлигида тўрт марказли ёйсимон равоқлардан ҳар хил чуқурликда қатор равоқлар билан симметрик ҳолда қурилган. Бош фасаднинг ўрта қисмида мадраса девор сатҳидан 1,82 метр бўртириб чиқариб, баландлиги 16 метрли пештоқ қурилган. Бош фасаднинг икки ёнида биттадан иккита минора гулдастаси бор, уларнинг юқори, ялғи тепа қисми гумбазли мезаналар билан яқунланган.

Ҳашаматли пештоқнинг кириш қисми чуқур ярим саккиз қиррали қилиб, уч ёнига икки каватли ёйсимон равоқлар ишланган. Пештоқнинг олд ва ён томонлари то пилон асосигача ва деворнинг қуйи тарафдаги қисми оддий тўрт бурчак шаклидаги пишиқ гишт билан текислаб ишлаб чиқилган, унинг юқори қисми эса шарафа, тимфан ҳамда китоба билан безатилган.

Мадраса ҳужраларидаги ҳамда пештоқидаги эшикларга гирих, ўсимликсимон ва ислимий нақшлар ишланган. Миҳ қоқмай «тирнок» қилиб мустаҳкамланган ёғлақчаларидан ясалган эшик яхлит тахтадан тайёрланганлиги кўринади.

Дарвозадан кираверишда чапда дарсхона, ўнгда масжид, тўрда эса ҳонақо жойлашган. Томи ўзаро кесишадиган равоқ шаклида гумбаз қилиб ишланган. Мадраса ҳовлиси гир айлантириб икки қаватли ҳужралар билан ўралган. У ерда ҳам кичикроқ иккита пештоқлар мавжуд.

Абдул-Қосим мадрасаси ўзбек классик меъморчилигидаги қадимий анъаналарни, мадрасалар қурилишига хос анъанавий схема ва композицион ҳажмни ўзида яхши акс эттирган.

Ниҳоят, 1980 йили ўзоқ ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган бу ёдгорликни Ўзбекистон Маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг авторлар коллективи (архитектор Абдужаббор Яҳёев ва инженер Юрий Баклунов) илмий таъмирлаш, лойиҳалаш ишларини олиб бордилар. Анча илмий изланишлардан кейин аждодларимиз яратган мадрасанинг дастлабки шаклини тўла акс эттиришга муваффақ бўлинди. Шу йилнинг ўзида янги яратилган лойиҳа асосида биринчи қисм иш чизмалари яратилиб, асосий эътибор эса бош фасад ва икки ён фасадга қаратилди. Сабаби мадрасанинг бузилиб, нураб кетган асосий қисми ҳам худди шу бош фасад пештоқи, минораси, гулдастаси, мезаналари ҳамда икки ёнидаги ҳужралар эди. Тайёрланган лойиҳа асосида тошкентлик усталар билан бир сафда самарқандлик, бухоролик, хоразмлик андижонлик таъмирчи усталар ҳам самарали меҳнат қилдилар.

Шу ўринда иш чизмаларини яратишда архитекторлардан Аҳмаджон Сотиволдиев, Қодиржон Юсупов, Шарифахон Мирмуҳамедова ва Саиджон Ғиёсовларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Машҳур ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қодирий илк тахсилни шу мадрасада олганлиги тўғрисида унинг ўғли Ҳабибулло Қодирий ўзининг «Отам ҳақида» номли хотиралар китобида маълумот беради.

Шаҳримизнинг 2000 йиллик мубораک юбилейи ўтказилаётган бир пайтда Абдул-Қосим мадрасаси фақат сақланибгина қолмасдан, балки моҳир таъмирчи усталар қўлидан чиққач, янги қиёфага кириб, бамисоли афсонавий қушдек, ўзини ёшариб ва аввалгисидан бекиёс кўркамлашиб, қад кўтармоқда. Энди бўлса пойтахтимизнинг энг гўзал замонавий биноларидан бири билан ёнма-ён турган қадимий архитектура инсоний қайта тикланиб, ҳамманинг кўзини қувонтирмоқда, ўзини кўз-кўз қилмоқда.

Т. РАСУЛЕВ.

СУРАТДА: Абдул-Қосим мадрасасининг бош фасади.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

Ушбу туркум материаллари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. А. АБУТОВнинг умумий таҳрири остида бериб борилади.

БУГУНГИ ҳаётимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса автомобиль транспорти шаҳар хўжалигининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Шу боисдан йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Йўл ҳаракатида нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдалар ва транспортда кетаётган пассажирлар ҳам қатнашадилар. Биз газета саҳифасида «Инсон, йўл, автомобиль» рубрикасини очиб, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашнинг долзарб вазифалари ҳақида мақолалар бериб боришга қарор қилдик. Асосий мақсадимиз — йўл ҳаракати қоидаларини уларнинг иштирокчилари онгига сингдириб боришдир.

Янги рубрика материалларини тайёрлашда оқшомхонлардан келган хатлар, албатта ҳисобга олинади. Шу боисдан газетхонларга мурожаат этиб, шаҳарда йўл ҳаракатини бошқаришда эришилган ютуқлар, бу борадаги бошқа истак ва мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ПИЁДА ВА ТРАНСПОРТ

Йўл ҳаракати қатнашчилари ўз фаолиятига кўра икки группага бўлинади. Биринчиси — транспорт воситаларининг ҳайдовчилари бўлса, иккинчиси пиёдалардир. Шу ўринда пиёдалар ва пассажирлар йўл ҳаракати қатнашчиларининг сон жиҳатидан энг кўпи, транспорт воситаларининг ҳайдовчилари энг тажрибалиси ҳисобланишади. Йўл ҳаракати қоидалари уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий. Яъни улар мазкур қоидага сўзсиз итоат этишлари шарт.

Кейинги йилларда шаҳримиз кўчаларида турли маркадаги енгил ва юк автомашиналар сони сезиларли даражада ошди. Бироқ, транспорт воситалари сони ортгани сари улардан тўғри фойдаланишга бўлган талаб ҳам кучайиб бормоқда. Уларнинг нормал ҳаракатини таъминлаш эса шу кунининг муҳим вазифаларидир.

Биргина Шота Руставели кўчасида транспорт оқимининг бошқарилишини олайлик. Шу кўчадан ҳар куни эрта тонгдан то кечгача 10 мингдан зиёд турли маркадаги транспортлар ўтади. Ваҳоланки, бу каби кўчалар шаҳримизда ўнлаб-йигирмалаб топилади. Нима, бу йўлларда ҳамма ҳам қоидага тўлиқ риоя қилади, дейсизми? Қолаверса, ҳайдовчилар ҳам ҳар хил. Бири тажрибали, маҳоратли, ўзи бошқараётган автомобилнинг ҳадисини олган, йўл ҳаракати қоидаларини мукаммал билади, уларга қатъий риоя қилади. Дейлик, кабинада кечагина шофёрлик курсини тугатган ҳайдовчи ўтирибди. У ҳали етарли тажрибага эга эмас. Бунинг устига йўл белгиларини ўзлаштириб олганича йўқ. Бироқ, шунга қарамай, у ўз автомобилини ҳалигги тажрибали ҳайдовчилар сингари бошқармоқчи бўлади. Натижада зарур вазиятда тўғри хулоса чиқара олмайди. Қарабсизки, кўнгилсиз ҳодиса... «Шошиб қолдим. Тез юргандим» каби гаплар, ўзини оқлашлар. Бироқ бундан нима фойда?

Бизда йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, унинг олдини олишга оид бир қатор тадбирлар кўрилянти. Масалан, СССР Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармаси ташаббуси билан ҳар йили баҳор ва куз ойларида ўтказилаётган Бутуниттифоқ ҳаракат ҳавфсизлиги кўриклари, «Диққат болалар!» рейди, «Тезлик» операцияси ва шунга ўхшаш бир қатор тадбирлар ўтказилади. Булар ўз мавқеига кўра транспорт воситалари ҳаракати ва ҳавфсизлигини таъминлаш, нишлар оқнига йўл ҳаракати қоидаларини чуқурроқ сингдиришга қаратилган самарали тадбирлар ҳисобланади.

Шу кунларда серқуёш республикамизда икки тадбир — «Пиёда» операцияси ва «Диққат, болалар!» Бутуниттифоқ рейди давом этмоқда. Бу муҳим ва айни пайтда фойдали ишда пойтахтимиз Тошкент шаҳри ҳам фаол қатнашмоқда.

Биз юқорида пиёда худди транспорт ҳайдовчиси сингари йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлиги, у ҳам йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз итоат этишга мажбурлиги ҳақида тўхталдик.

Хўш, аслини олганда улар шундай қилишаяптими?! Ҳа, бироқ, ҳамма вақт эмас. Ҳалигача пиёдалар орасида ер ости махсус йўллари, пиёдалар йўлкалари қолиб, транспорт қатнов йўлини кесиб ўтиш, тўхтаб турган транспорт воситалари ортидан тўсатдан чиқиб қолиш, светофор сигналларига риоя қилмаслик ҳоллари учраб турибди. Улар ўзларининг бу нотўғри ҳатти-ҳаракатининг оқибати нима билан тугашини ўйлашмайди. Натижада транспорт воситалари ҳаракатига ҳалақит беришади, айрим ҳолларда ҳатто авария ва тўқнашувларни келтириб чиқаришади.

Мана бир мисол: шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида пойтахтимизда 770 тадан зиёд йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Оқибатда 100 дан зиёд киши ҳалок бўлди, 800 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Шуни айтиш ўринлики, юқорида келтирилган ҳодисаларнинг ярмидан кўпроғи айнан пиёдалар айби билан вужудга келган нашчилари қатори болалар ҳавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Шу йил 15 августдан 15 сентябргача давом этадиган «Диққат, болалар!» Бутуниттифоқ рейди муҳим тадбирлардан биридир.

Хўш, бу тадбирнинг ўтказилишидан кўзда тутилган асосий мақсад нима?

Маълумки, яна бир неча кундан сўнг мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида янги ўқув йили бошланади. Миллион-миллион пионер ва ўқувчилар жонажон мактаблари томон йўл оладилар. Шу боисдан рейднинг асосий мақсади болалар ўртасида содир бўлаётган йўл транспорти ҳодисаларини кескин камайтириш, уларга йўл ҳаракати қоидаларини олдиндан пухта ўргатишдан иборат. Шу йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида 120 дан зиёд бола транспортдан жабр тортди. Шундан 20 дан ортиги болаларнинг ўз айби билан йўл ҳаракати қоидаларини етарли билмасликлари туфайли юзага келган.

Демак, болаларга йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатиш зарур, уларнинг кўча-кўйларда назоратсиз ўйнашларига чек қўймоқ керак. Уларда мактабга ва уйга белгиланган ҳавфсиз маршрутдан бориб келиш даркор. Ана шундагина биз қувончли натижага эришмиз шубҳасиз. Бу умум ишда ота-оналар, педагог ва ўқитувчиларнинг роли беқиёсдир.

«Диққат, болалар!» Бутуниттифоқ рейди ва «Пиёда» республика операцияси давом этмоқда. Бу тадбирларнинг муваффақиятли ўтиши, яхши натижалар бериши барча ҳаракат қатнашчиларининг юксак интизомига, онглилигига боғлиқ. Агар ҳар биримиз йўл ҳаракати қоидаларига тўлиқ амал қилсак, мазкур тадбирларнинг намуналари якунланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳ. МИРЗАЕВ,

Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси агитация ва пропаганда бўлимининг инструктори, милиция лейтенанти.

Менинг милициям

ОМАДЛИ ИНСПЕКТОР

ГАИ ходимлари ҳамкасблари — катта сержант Ҳикматилла Машраповни омадли инспектор дейишади.

У бу соҳада тўқкиз йилдан бери ишлайди. Моҳир инспектор шу даврнинг ичида саккиз марта машиналарни олиб қочган жиноятчиларни қўлга туширишда бевосита қатнашди. Биз ундан хизматдаги муваффақиятларини нг боисини сўраганимизда «Постда сергак тураман», дея қисқа жавоб берди камтарлик билан.

Чиндан ҳам у навбатчиликда турадиган Қўйлиқдаги ГАИ пости ҳамиша сергак бўлишни, хушёрликни талаб этади.

2 август куни ҳам навбатчиликда Ҳикматилла турган эди. Кундузги соат 11 да Тўйтепадан «ИЖ—2715» маркали «99—55 ТНМ» номерли «Москвич» автомобили ўғирланганини хабар қилишди. Ҳикматилла сергакланиб Чирчиқ дарёси кўпригидан ўтиб келаётган машиналарни диққат билан кузата бошлади. Кўп ўтмай «99—55 ТШМ» номерли машина чорраҳага яқинлашди. «Ўғирланган машина эса «99—55 ТНМ» бўлиши керак» хаёлидан ўтказди Ҳикматилла. «Ҳар эҳтимолга қарши бунинг ҳам тўхтатиб текшириш керак».

Ҳикматилла автомобилни текшириб, энди ҳайдовчига «оқ йўл» тилаган эди, чорраҳага «99—55 ТНМ» номерли автомобиль шитоб билан яқинлашаётганини кўриб қолди. Шошқалоқлик қадам ташлаб машина йўлини тўсди. Ҳайдовчи газаб билан газ бериб, уни қўрқитиб, ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлди. Тезда етиб келган ГАИ ходимлари ёрдамида Ҳикматилла жиноятчини қўлга туширди. У маиший хизмат кўрсатиш соҳасида холодильниклар бўйича слесарь бўлиб ишловчи Александр Орлов экан.

Шу воқеадан кейин икки кун ўтгач, 4 август тунги соат учдан ошганда «Роҳат» кўли томонидан тун сукунатини бузиб, шитоб билан келаётган автомобиль Ҳикматиллани шубҳалантирди. У келаётган машинага тўхташ ишорасини қилди. Бироқ, машина инспекторга чап бериб, гуриллаганча ўтиб кетди. Таскин топишга ўрин қолмади. Машина ўғирланган ёки ҳайдовчи маст...

Инспектор бошқа машинага ўтириб, қочоқ автомобилни изма-из кузата бошлади. Шу пайт катта лейтенант Равшан Ҳолмуҳамедов ёрдамга етиб келди. Улар ўз машиналарини моҳирлик билан бошқариб, шубҳали автомобилни йўл четига сиқиб тўхтатишди. Кабина ичидан тўртта ўсмир сакраб тушиб, тўрт томонга қочди. «Ола бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, бировнинг машинасини олиб қочган ўсмирлар қўлга олинди...

Биз катта сержант Ҳикматилла Машраповнинг хизмат фаолиятидан иккита воқеани қисқача баён қилдик холос. Унинг ҳар бир навбатчилик куни ана шундай жасоратларга тўла. У аъло хизмати учун шаҳар Ички ишлар бошқармаси, Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси томонидан бир неча марта қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Ҳикматилла бугун яна постда хушёр турибди.

М. МУРОДОВ.

● ҲОДИСА

КАЙФ ПАНД БЕРДИ

Бу кўнгилсиз воқеа бундан бир неча кун олдин гражданин Герман Иннокентьевич Лисянский билан содир бўлди. Г. Лисянский ширазкайф ҳолда пиёдалар йўлкаси қолиб, Генерал Петров кўчасини тинка несиб ўтаётганида «ВАЗ-2103» маркали «88—00 ТШТ» номерли А. Алимовнинг шахсий автомобили зарбига учради. Г. Лисянский дарҳол на. салхонага юборилди.

Дарвоқе бу ҳодисанинг айбдори ким? Ҳайдовчи Алимовни? Йўқ! Бунинг келиб чиқишида ширазкайф пиёда Лисянскийнинг ўзидан бўлак ҳеч ким айбдор эмас. Чунки у мастлиги туфайли яқинлашиб қолган автомобилни сезмай қолди.

«Менга наҳорга ичилган юз грамм ароқ панд берди», дейди Г. Лисянский ўз тушунтириш ҳатида.

Кайф билан машинани бошқариш, нўча ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ана шундай оқибатларга олиб келади.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. БЕГИМҚУЛОВ: Айтингчи, маъмуриятнинг меҳнат шартларини қўлланиш ҳақида чиқарган буйруқлари устидан ишчи ёки хизматчи юқори бошқарув органига шикоят қилишга ҳақлими?

Жавоб: Аввало шуни айтиш керакки, маъмуриятнинг буйруғи — корхона (муассаса)ларнинг раҳбарлари чиқарадиган бошқарув актидир. Буйрук билан ходимларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга кўчириш, бошқа иш жойига ўтказиш ёки ишдан бўшатиш расмийлаштирилади; рағбатлантиришлар эълон қилинади, интизомий жазо чораси берилади; олиб ташланади ва ҳоказо. Ишга қабул қилиш, бошқа ишга кўчиришлар, рағбатлантиришлар ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар (жазо беришдан ташқари) ишчи ёки хизматчининг меҳнат дафтарчасига ёзиб қўйилади. Интизомий жазо бериш буйруқ билан эълон қилиниб, ишчига тилхат асосида маълум этилади.

Маъмуриятнинг меҳнат шартларини қўлланиш ҳақида чиқарган буйруқлари устидан манфаатдор ишчи ёки хизматчи меҳнат низолари комиссиясига ёки бўйсуниш тартибида юқори бошқарув органига шикоят қилиши мумкин. Бир қатор ҳолларда буйруқларга (масалан, ишчи ва хизматчиларни маъмурият ташаббуси билан бўшатиш, 15 ёшли ўсмирларни ишга қабул қилиш, ходимларни иш вақтидан ташқари бажариладиган ишларга жалб этиш, ва шу каби тўғрисидаги буйруқларга) ФЗМК томонидан рухсат этилган бўлиши лозим. Ана шу масалалар ҳусусида ФЗМК розилигисиз буйруқлар ғайри қонуний ҳисобланади.

* * *

М. ҚОДИРОВА: Эмизикли боласи бўлган ишчи ёки хизматчи аёллар иш ҳақи сақланмаган ҳолда кўшимча отпуска олсалар, уларнинг ўрнига бошқа кишини ишга қабул қилса бўладими?

Жавоб: Иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги отпускада узоқ вақт мобайнида бўлган аёллар меҳнат қиладиган корхоналар, муассасаларда бундай аёллар ўрнига бошқа кишиларни вақтинчалик ишга олиш масаласи заруриятга келиб чиқиши мумкин. Амалдаги меҳнат қонунчилиги қоидаларига кўра ана шундай ҳолларда маълум бир муддатда (3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда) ёхуд у ёки бу конкрет ишни бажаришга кеталиган вақтга тезлик билан меҳнат шартномаси тузиш мумкин. Бордию, вақтинча ишда бўлмаган аёллар ўрнига бошқа одамни ишга олиш зарурати туғиладиган бўлса, ишга олинадиган одам билан тузиладиган меҳнат шартномасида ўша аёл қўшимча отпускада бўлган пайти учунгина у ходим ишга қабул қилинганлиги кўрсатилади.

* * *

Р. САИДХЎЖАЕВ: Боқувчисидан айрилган ҳолларда онла аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза лаларни қимларга топшириш керак?

Жавоб: Бундай ҳолларда пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза вафот этган онла бошлиғи кейинги вақтларда ишлаган идора маъмуриятига номига ёзилади. Маъмурият маҳаллий комитет билан биргаликда 10 кун ичида ҳамма керакли ҳужжатларни расмийлаштиради ва уни ариза берган киши нетикомат киладиган жойнинг социал-таъминот бўлимига ўтказади.

«ЧИННИ ИДИШЛАРГА—ГУЛЛАР»

Пойтахтимизда а г и чинни заводида қутлуғ сана — Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Корхона мусаввирлари ана шу юбилейга атаб чинни идишларга нақшланадиган турли хил нафис гуллар, миллий ёзувларни вужудга келтирмоқдалар. Юбилейга бағишлаб чиқариладиган чинни косалар, чойнак-пиёлалар, ваза ва тувакларга «Тошкентнинг 2000 йиллиги» деб ёзилади.

Корхона рассомлари шу кунга қадар чинни идишларга ишланган 15 хилдан зиёднинг яратдилар. Юбилейга қадар эса уларнинг сони 30 хилга етказилиши мўлжалланмоқда.

ТАРТИББУЗАРЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

Пойтахтимизда ўтаётган «Пиёда» операциясининг 15 куни якунланди. Ана шу ўтган даврда мобайнида шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси ходимлари жонбозлик билан ишладилар. Эътибор қилган бўлсангиз ҳар куни юзлаб жамоатчилик вакиллари бу муҳим ишда уларга яқиндан кўмаклашишди. Улар иштирокида шаҳримиз кўчаларида навбатчиликлар ташкил этилди.

«Пиёда» операцияси пайтида айрим пиёдалар томонидан ҳамон йўл ҳаракати қоидалари қўпол бузилаётгани аён бўлди.

Мана, айрим қоидабузарлар билан танишинг: Ҳамза район ошхоналар трестига қарашли 5-ошхона ошпази Орилжон Турдиалиевич Умрзоков, экскаватор заводининг слесари Александр Ан, Тошкент Давлат университетининг студенти Ғайрат Ҳолиқович Ҳолиқов, «Водоканал» трестининг ҳайдовчиси Патхилла Ёдгоров, Октябрь районидаги мактаб-интернат ўқитувчиси Ботир Ортиқович Қаюмовлар пиёдалар йўлкаларидан бўла туриб, транспорт қатнов йўлидан ўтаётганларида қоидабузарлар рўйхатига киритилдилар. Шунингдек, уларнинг бу қилмишлари учун ГАИ ходимлари томонидан маъмурий протокол тузилиб, жарима солинди.

«Пиёда» операциясининг ўтган 15 куни ичида юқоридагидек 3 мингдан зиёд қоидабузар фош қилинди.

«ОҚШОМ» АНКЕТАСИ

Жонажон Коммунистик партиямиз ва ҳукуматимиз ғамхўрлигида Ўзбекистон пойтахти—Тошкент шаҳри Шарқнинг машъали бўлмоқда, Шаҳримиз тобора гуллаб-яшнамоқда, гўзаллашмоқда, яшармоқда. Бутун республикамизда Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилянти. Шу улуғвор сана муносабати билан бугун азиз оқшомхонларга бир неча саволлар билан мурожаат қиляпмиз. Сизлардан анкета саволларига жавоблар кутамиз, қадрли оқшомхон дўстлар!

1. Ўтмишда Тошкент қандай номлар билан аталган?

2. Тошкентнинг йирик тарихий осори-атиқалари— меъморий ёдгорликларидан қайсиларини биласиз ва улар қачон қурилган?

3. Қадимий Тошкент шаҳристони, работлари ва дарвозалари нечта бўлган? Уларнинг тарихи ҳақида нималар айта оласиз?

4. Тошкентда қайси йиллари кучли зилзилалар бўлган? 1966 йил зилзиласидан кейин қардош халқлар шаҳримизга қандай бунёдкорлик ишларини олиб боришган?

5. Шаҳримиз тарихи ва обидалари ҳақида кўпчиликка маълум бўлмаган қандай асарларни биласиз?

6. Тошкентда дўстлик, тинчлик ва социал тараққиётга бағишланган қандай анжуманлар ўтказилган? Машҳур тарихий воқеалардан нималарни айта оласиз?

7. Қўлингизда Тошкент тарихига оид нодир маълумотлар, асарлар борми?

ЭСЛАТМА: Редакцияга йўллаган жавобларингизда исми-шарифингиз, ёшингиз, касбингиз, иш жойингиз ҳақида хабар қилсангиз. Шунингдек, лозим топсангиз Тошкент тарихи тўғрисида қўлингизда бўлган манбаларни ҳам ёзиб юборсангиз. Редакция шаҳримиз тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишга қўшган ҳиссангиз, билимдонлик ва зукколик кўрсатиб ёзган жавобингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор этади.

ХАЛҚ ТЕАТРИДА ПРЕМЬЕРА

Болгар адиби Стефан Костовнинг «Аёллар салтанатида кўнгилли» эртак пьесаси Тошкентдаги И. Охунбобоев номли маданият уйининг халқ театрида саҳнага қўйилди. «София» театрининг режиссери Младен Киселов пьесани саҳналаштиради. Саҳнада воқеа тасвирланган болгар қишлоғининг колорити гавдаланти р и л г а н. Спектакль аёлларнинг эркакларга берган ажойиб ахлоқий сабоғи тўғрисида ҳикоя қилади. (ЎзТАГ).

МОСКВА. «Мосфильм» киностудиясида таниқли совет режиссери Эмиль Лотяну ўз сценарийси бўйича икки серияли «Илохий Анна» бадиий фильмини суратга олмоқда. Фильм ажойиб рус балеринаси Анна Павловнанинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Бош роли киноактриса Галина Беляева (суратда) ижро этмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. оқшоми

24 АВГУСТ, 1982 й.

КИНО

24 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БОРИС БАБОЧКИН» — **«Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Фестиваль, Қозоғистон.**

«НАТАША», «ОҚ СУВ — ЖАБАГЛИ», «ТЕНГДОШЛАР»—**Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЛБ»—**Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЕВРОПА ҒАРБДА», «АВЛИЕ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — **Нукус** (17, 20.00 да, телефон 46-70-69).

«КОНДОРНИНГ ҚУЛАШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-62).

«ПОЛКОВНИК ЛШАЛИГИННИНГ ҚУТИШИ» — **Ф. Ғулом номли** (17, 20.00 да, телефон 48-42-80).

25 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БОРИС БАБОЧКИН»• — **«Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Фестиваль, Қозоғистон.**

«НАТАША», «ОҚ СУВ — ЖАБАГЛИ», «ТЕНГДОШЛАР»—**Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЛБ»—**Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР ЕВРОПА ҒАРБДА», «АВЛИЕ, ОЛТИН ВА ТРАНСИЛЬВАНЛИКЛАР» — **Нукус** (11, 14, 17, 20.00 да, Телефон 46-70-69).

КОНДОРНИНГ ҚУЛАШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **Искра** (16, 18, 19.45 да, телефон 39-11-76), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-62).

«ПОЛКОВНИК ШАЛИГИННИНГ ҚУТИШИ» — **Ф. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00 да, телефон 48-42-80).

ХОТИН-ҚИЗЛАР

ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДА

24—28 АВГУСТ КУНЛАРИ

Тошкент «ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган

ХОТИН-ҚИЗЛАР ПАЛЬТОЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«ЧИЛОНЗОР» савдо маркази.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

СССР гўшт ва сут саноати министрлиги

БУТУНИТТИФОҚ ГЎШТ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИ (ТО ВНИИМП)

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Саноатга тадбиқ этиш ва ёрдам кўрсатиш **секторн мудири;**

иқтисодий-математик методлар лабораториясн **катта илмий ходимлари;** технологик ва норматив тадқиқотлар лабораториясн **катта илмий ходимлари;**

иқтисодий-математик методлар лабораториясининг **кичик илмий ходими.**

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Бахт кўчаси, 2-уй («Комсомольская» метро станцияси). Телефонлар: 44-27-41, 44-32-43.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1 СЕНТЯБРДА

ҲАМЗАНИНГ

«БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ» СПЕКТАКЛИ БИЛАН

65 МАВСУМ ОЧИЛАДИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1—2/IX да— БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
3/IX да— КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ.
4—5/IX да— БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
7/IX да— ГУРУНГ.
8/IX да—АБУ АЛИ ИБН СИНО.
9/IX да — НОДИРАБЕГИМ.
10/IX да — ЎН УЧИНЧИ РАИС.
11/IX да — БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
12/IX да —ҒАРИБЛАР.
14/IX да— ОЛТИН ДЕВОР.
15/IX да—ҚУЗНИНГ БИРИНЧИ КУНИ.
16/IX да — КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ.
17/IX да— ГАНГ ДАРЕСИНИНГ ҚИЗИ.
18/IX да — ШОШМА ҚУЁШ.
19/IX да— БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.
Касса соат 12.00 дан ишлайди.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОРХОНА, МУАССАСА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ

ДИҚҚАТИГА!

ХАТ-ХАБАРЛАРНИ АВТОМАТИК РАВИШДА САРАЛАШ УСУЛИГА ЎТИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН 1983 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЯНГИ ТАРТИБ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ: Ушбу тартибга биноан очиқ саҳида ўрнатилган почта қутилари шаҳобчалари орқали хатларни 114x162мм. ҳажмдаги конвертларда ва 105x148 мм. ҳажмдаги почта карточкаларинигина жўнатиш мумкин бўлади.

162 x229 мм ва 229x324 мм. форматдаги стандарт конвертлардаги хатлар почтамт, алоқа узеллари ва бўлимларида ўрнатилган махсус почта қутилари орқали, зарур бўлган ҳолларда операция кассалари орқали жўнатилади.

Бошқа ҳажмдаги конвертларга солинган хатлар ва почта карточкалари почта орқали жўнатиш учун қабул қилинмайди, почта қутиларига ташланган хатлар эса эгаларига қайтарилади.

СССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДАГИ 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 1962 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб келади.

Малакали ишчилар тайёрлаш учун билим юртида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган: ўқув кабинетлари барча замонавий асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар ва техникавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Танлаган касбингиз бўйича барча ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, касбингизни пухта эгаллашга имкон беради. Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат,кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси секциялари мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар.

Билим юртини «аъло» баҳоларда тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 2 ва 1 йил. 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртида қуйидаги касбларни эгаллашингиз мумкин: кичик ветеринар фельдшери, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар. Шоферлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржиман ҳоли: 8 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат; туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3x4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси. Тошкент шаҳридан (1, 16, 24, 111-автобусларда «Троицкий поворот» бекатигача борилади, Горький номли метро — станциясидан 63-автобусда «1-«Қорасув» бекатигача, Луначарский шоссе «Центр» бекатидан «Тошкент — Чингелди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«АНИҚРОҚ САБАБЛАРСИЗ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифи — С. АЛЕКСАНДРОВ.
Режиссёр —Е. ТАТАРСКИЙ.

Ролларда— Э. РОМАНОВ, И. АЛФЕРОВА, Е. КИНДИНОВ, Л. ПРИГУНОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Фильм воқеалари гражданлар урушининг сўнгги кунларида Узоқ Шарқда бўлиб ўтади.

Кичик бир шаҳарчада бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир қанча ҳодисалар содир бўлади. Қишлоқ хўжалик ишларидаги комсомол ёшлар номаълум кимсалар томонида ўлдирилади. Оқ гвардиячи офицер Куницин ЧКга ўзини авф этишларини сўраб келади. Ниҳоят, оқшомда ҳаваскорлар театри саҳнасида турма соқчилари взводи командири Володя Ямшчиков ўзини отиб ўлдиради. Бунинг сабаби шу театр актрисаси гўзал Нина Петровнага бўлган жавобсиз муҳаббат. Бу ўз-ўзини ўлдириш эмас, балки усталик билан уюштирилган қотиллик эканлигига ЧК раиси Камчатовнинг ишончи комил. Аммо, бу ишни ким қилган?

Камчатов ҳалок бўлган Ямшчиков ўрнига келган чекист Алексей Дроздов ёрдамида сотқинни топишга муваффақ бўлади. Дроздов ёрдамида ажойиб тузоқ қўйилиб, Мешчеряков тўдаси қўлга олинади. Оқ гвардиячиларнинг маҳфий ҳужжати қўлга туширилиб, Ямшчиков қотили фош қилинади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Октябрь революцияси номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз-ремонт заводи базаси.

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982 — 83 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: ёритиш тармоқларининг электр монтажчиси, иккиламчи занжирлар коммутацияси бўйича электр монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишини биладиган), **радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханик, электро-газ пайвандчиси.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН, 15 ВА ЎНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 1 —3 йил.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртига тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига кириб уч йил ўқиганлар ўрганган касби ҳақида ва тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар. Улар кунига уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар;

билим юртига ўрта маълумотлилар группасига кириб бир йил ўқиганлар ўқиш даврида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 33 процентини (электрмонтажчилар группасидаги ўқувчилар эса иш ҳақининг 50 процентини) оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари ташкил этилмоқда.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электрмонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар ётоқхона билан таъминланадилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган: ўрта маълумотлилар 7,5 ой, тўлиқсиз ўрта маълумотлилар эса 10,5 ой ўқийдилар.

Машғулотлар группалар комплектланганда сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар эса корхоналардаги мажбурий хизматни ўтамай, ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юрти яхши жиҳозланган спорт базасига эга. 14 та спорт секцияси доимо ишлайди. Техника ижоди тўгараги ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржиман ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки ҳарбий билет).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқимачилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16 троллейбусларнинг «Тўқимачилик» комбинати бекати).

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1983 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ИДОРАЛАРДАН

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Идоралардан обуналарни 31 августгача «Союзпечать» агентликларида расмийлаштириш мумкин. Кўрсатилган муддатдан сўнг тўланган заявкалар расмийлаштирилмайди.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, «ПЛАКАТ» НАШРИЁТИ НАШРИ ВА «АРГУМЕНТИ И ФАКТИ» БЮЛЛЕТЕНИГА ОБУНА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ДАВРИЙ НАШРЛАР ОБУНАСИ УЧУН АЖРАТИЛГАН СУММАДАН ОРТИҚЧА ПУЛ ҲИСОБИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИНИНГ «СОЮЗПЕЧАТЬ» БОШҚАРМАСИ.

ЭНГ ЯХШИ КЎЙЛАК УЧУН КОНКУРС

9 ОКТЯБРЬ СОАТ 13.00 ДА

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

«АЦЕТАТЛИ БАЛ» ЎТКАЗИЛАДИ

КОНКУРС ИШТИРОКЧИЛАРИ АЦЕТАТ ШОЙИДАН ТИКИЛГАН КЎЙЛАКДА КЕЛИШЛАРИ ЛОЗИМ. КЎЙЛАК УЧУН ГАЗЛАМА 25 СЕНТЯБРГА ҚАДАР ТОШКЕНТДАГИ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДАН, БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДАН, «ЧИЛОНЗОР» ЁКИ ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДАН, «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ 43-МАГАЗИНИДАН (Марказ—5, В. И. Ленин номли проспект, 67-уй) СОТИБ ОЛИНГАН БЎЛИШИ КЕРАК.

Балга кийиладиган кўйлакни сиз ўзингиз тикишингиз ёки навбатдан ташқари ателье тиктиришингиз мумкин. Энг яхши моделлар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, республика модалар уйи, Маданият бошқармаси, «Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмаси, Маиший хизмат бошқармасининг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Ацетат шойидан тикилган кўйлак ва газлама сотиб олинаётганда магазин томонидан берилган визит карточкаси конкурсда иштирок этиш учун пропуск вазифасини ўтайди. Визит карточкасининг йиртиб олинадиган талонини (25 сентябрдан кечиктирмай) қуйидаги адресга: Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 6-уй—Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Савдо Бош бошқармасининг савдони ташкил этиш бўлимига жўнатиш лозим.

БАЛ ЎТАЕТГАН ВАҚТДА:

— газламалар, галантерея, парфюмерия, косметика товарларининг савдоси;

— Республика модалар уйи манекенчилари томонидан кийим моделларининг намойиши;

— модельерларнинг моданинг шу кунги йўналишлари ҳақидаги суҳбатлари;

— газламани бичиш ва журналларда тавсия этиладиган андозалардан тўғри фойдаланиш ҳақида консультациялар;

косметолог врачларнинг консультацциялари;

— энг яхши рақс учун конкурс;

— викториналар, турли ўйинлар, рақс тушиш ташкил этилади.

БАЛГА ТАЙЕРЛАНИНГ, ДЎСТЛАР!

Справкалар учун телефон 33-68-83.

«АЦЕТАТЛИ БАЛ» КОНКУРСИНИНГ ШАРТЛАРИ

КОНКУРСДА ҚОМАТИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР ТУРЛИ ЕШДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН:

балга иштирокчининг ўз дидига кўра сотиб олинган ацетат шойидан тикилган кундалик ёки тантанали маросимларга кийиладиган кўйлак, костюм, комплект тақдим этилиши лозим. Газлама ҳар қандай: сидирга, йўл-йўл катак-катак, нўхот гулли, гулдор нақшли, босма гулли бўлиши, ихчам, енгил, ялтироқ люрикс ипидан фойдаланиб тикилган бўлиши мумкин.

— Конкурсга тақдим этиладиган кийимлар бевосита иштирокчиларнинг ўзи томонидан ёки ателье тикилган бўлиши мумкин;

— Кийимлар 82-йил модасининг ҳозирги йўналишлари талабига мос бўлиши лозим.

— Кийим исталган услубда: спортча-хизмат ёки романтик услубда тикилиши мумкин. Танланган услубдан келиб чиқиб турли пардоз воситаларидан: хошия, рюш, волан, тўр, кашта, плиссе, гадре, тўрли қўшимчалардан фойдаланиш мумкин;

— Моделни яратишда миллий безаклардан фойдаланса бўлади;

— Қўшимча элементлардан (шарф, дуррача, маржон, тўғноғичлардан) фойдаланиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

24 АВГУСТ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Концерт. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 «Москва боғлари». Кинолавҳа. 20.10 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионатида. 23.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.55 «Спорт ҳафталиги». 19.25 «Театр ва замон». Н. Погодин. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Инсонпарварлик орқали тинчликка». Ҳужжатли фильм. 21.05 РСФСР халқ артисти Р. Ибрагимов совет композиторларининг қўшиқларини ижро этади. 21.30 «Время». 22.00 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Мисга ўйиб туширилган нақш». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 23.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист»—«Динамо» (М), 2-тайм. Харьковдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденниесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.00 «Ўзбекистон энергоқурувчилари— беш йилликка». «Узбекэнергострой» трестининг 50 йиллигига (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият боғи». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Қизлар мушоираси». Кўрсатувни Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Х. Худойбердиева олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қуйла, ёшлигим». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дефолиация». Мутахассислар маслаҳати. 22.25 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия. 23.40 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Саломатлик алифбеси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.20 «Шеърлар дафтаридан». 18.50 «Классик куй саҳифалари». 19.40 «Арвана— туркман туяси». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Романтика» телевизион театри. В. Черних. «Қутлуғ қадам». 2-қисм (такрорий). 21.30 МТ II.

25 АВГУСТ —ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 10.40 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм. 12.00 «Усмирлар исёни». 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Дўстларимиз экрани». «Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.40 Болалар учун фильм. 17.15 «Горнчилар, қаердасиз!».

18.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Населкин чалади (фортепьяно). 18.30 «Ангарадаги ўрмон химияси гигантлари». 2-кўрсатув. 19.00 «Тонгги қўшиқ». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Рус жилолари» халқ чолғу оркестрининг концерти. 19.55 «Рубенс —рассом ва дипломат». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар (Бельгия—ГФР). 21.30 «Время». 22.05 «1982 йил қўшиқлари». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида илмий-оммабоп фильмлар программаси.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Н. П. Горбунов. Биографиясига чизгилар. Илмий-оммабоп фильм. 19.00 «Қишлоқ янгиликлари». 20.00 «Ерда, самода ва денгизда». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время» 22.05 «Майор Земан билан содир бўлган ўттиз воқеа» туркумидан. «Даҳшат». Телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР).

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Артек» табассуми». Болалар учун фильм-концерт. 12.00 «Том тоғанинг қулбаси». Болалар учун телеспектакль (рус.). 14.15 «Оловли йўллар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сариқ тумшуқли Пики». Болалар учун мультфильм. 18.20 «Қизилқумни саҳро деб атама». Ҳужжатли фильм. 19.10 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта». «Ташсельмаш» заводидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси бадиий коллективларининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Биз қандай кийинамиз». 22.25 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия. 00.10 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Санъат кўчага чиқмоқда». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Ўқитувчилар учун консультация. 19.00 «Она шаҳрим— Тошкентим». 19.30 «Кириш». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Романтика» телевизион театри. В. Черних. «Қутлуғ қадам». 3-қисм (такрорий). 21.30 МТ II.

Тошкент ресторанлар трести ва «Баҳор» ресторани коллективлари «Баҳор» ресторанининг директори И. М. Мирзакаримовга отаси

Мирзараҳим МИРЗАКАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар; партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

24 АВГУСТ, 1982 й. Р—16502. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В— 2524 ИНДЕКС 64691